ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

# Тошкент оқшоми

2018 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (13.598)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

*Азиз ва муҳтарам ватандошлар!*

*Қадрли дўстлар!*

*Жонажон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.*

*Сиз азизларни, мўътабар нуронийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий табриклайман.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.*

*Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.*

*Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.*

*Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлашга эришдик.*

*Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.*

*Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.*

*Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича руҳ ва мазмун касб этмоқда.*

*Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун*



*мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.*

*Азиз юртдошлар!*

*Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.*

*Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.*

*Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.*

*Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.*

*Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.*

*Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.*

*Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.*

*Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.*

*Азиз ва муҳтарам ватандошларим!*

*Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.*

*Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!*

*Барчангизга дунёдаги энг катта бахт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриш насиб этсин!*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

*Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Россия Федерацияси Президенти – **Владимир Путин**
Хитой Халқ Республикаси Раиси – **Си Цзиньпин**
Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**
Қирғизистон Республикаси Президенти – **Сооронбай Жээнбеков**
Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**
Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**
Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**
Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**
Корея Республикаси Президенти – **Мун Чжэ Ин**
Япония Бош вазири – **Синдзо Абэ**
Буюк Британия Бош вазири – **Тереза Мэй**
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Франк-Вальтер Штайнмайер**
Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери – **Ангела Меркель**
Испания Бош вазири – **Мариано Рахой**
Италия Республикаси Президенти – **Сержио Маттарелла**
Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**
Словения Республикаси Президенти – **Борут Пахор**
Польша Республикаси Президенти – **Анджей Дуда**
Норвегия Қироли – **Харальд V**
Европа Кенгаши Раиси – **Дональд Туск**
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Муҳаммад Ашраф Ғани**
Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
Мўғулистон Президенти – **Халтмаагийн Баттулга**
Исроил Давлати Бош вазири – **Биньямин Нетаньяху**
Россия Федерацияси ҳукумати Раиси – **Дмитрий Медведев**
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси – **Валентина Матвиенко**
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири – **Ли Кэцян**
Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси – **Чжан Дэцзян**
Янги Зеландия Генерал губернатори – **Пэтси Редди**
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди – **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби – **Рашид Алимов**
НАТО Бош котиби – **Йенс Столтенберг**
ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори – **Евгений Сисоев**
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Бош директори – **Жозе Грациану да Силва**
БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари – **Наталья Герман**
МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши Бош котиби вазифасини вақтинча бажарувчи – **Сергей Антуфьев**
Авиация бўйича давлатлараро кенгаш президенти, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси – **Татьяна Анодина**
"Мир" давлатлараро телерадиокомпанияси раиси – **Радик Батиршин**
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти – **Шиничи Китаока**
Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти – **Альберт Лиханов**
Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби – **Владимир Шербаков**
Тошкент ва Ўзбекистон митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари – **Викентий**
БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили – **Ҳелена Фрейзер**
Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори – **Виктор Матвеев**
Россия нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгашининг раиси – **Юрий Шафраник**
«ЛУКОЙЛ» нефть-газ компанияси президенти – **Вагит Алекперов**
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори – **Виктор Гришин**
Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари – **Эдуардс Стипрайс**
Siemens концерни Президенти ва бош директори – **Жо Кэзер**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4907-сон Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий-тадқиқот изланишлари натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлар ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларининг тавсиясига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқлансин:

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини янада қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини рағбатлантириш, республиканинг академик илм-фани нуфузини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари (кейинги ўринларда академиклар деб аталади) учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари миқдорида, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзолари (кейинги ўринларда мухбир аъзолар деб аталади) учун эса – энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробари миқдорида ойлик гонорар тўланади;

академикларга ва мухбир аъзоларга тўланадиган ойлик гонорарлар жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йил 1 январдан бошлаб ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни ажратишни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17, 30-моддаларига мувофиқ:

**1.** Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинсин:

1. **Аббасова Дилором Аюбжоновна,** 1987 йил 13 августда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.
2. **Аббосов Валижон Аюбжонович,** 1978 йил 21 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.
3. **Аббосов Илхом Аюбжонович,** 1980 йил 9 сентябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.
4. **Аббосов Нуриддин Аюбжонович,** 1991 йил 30 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.
5. **Аббосов Шухратжон Аюбжонович,** 1984 йил 28 январда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сонли қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

*(Давоми 3-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройида бўлиб ўтган "Президент арчаси" тадбирлари болажонларга бир олам қувонч улашди. 903 нафар болага Президент совғаси топширилди.**

**• Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" стадионида "Миллий армиямиз – бизнинг фахр ва ғуруримиз" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Фестиваль давомида ёшлар Ватан ҳимоячилари билан дилдан суҳбат қурди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Фавқулодда вазиятларда ишлатиладиган замонавий ускуналар, МХХ Чегара қўшинларининг ўргатилган итларигача улар эътиборидан четда қолмади.**

**• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида янги қурилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Озода махсус таъмирлаш ва реконструкция қилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан давлат дастурига асосан барпо этилган янги спорт мажмуасида 3 миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Янги йил арафасида марказий ва Ғарбий Европада одатдагидан фарқли ўлароқ қиш қаттиқ келиб, ҳаво ҳамон кескинлигича қолмоқда. Чунончи, Шотландияда қалин қор ёғиши туфайли Глазгодаги халқаро аэропорт вақтинчалик ёпилди, натижада кўплаб ҳаво рейслари бекор қилинди. Аэропортни қордан тозалаш учун бир неча соат вақт кетди.**

**• Англиянинг афсонавий "Битлз" ансамблининг умргузаронлик қилаётган икки нафар аъзосидан бири Ринго Старрга мусиқа санъатини ривожлантириш ва хайрия ишлари борасидаги хизматлари учун рицарлик мақоми берилди – у сэр унвони билан тақдирланди. Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросим бугун Букингем саройида ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, 1965 йилда "Битлз" ансамбли тўлиқ таркибда Буюк Британия империясининг бешинчи даражали рицарлик ордени билан мукофотланган эди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–4907-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5146-сонли Фармонининг 1-бандида иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Р.Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 29 декабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ "ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОЙИШНИ ИМЗОЛАДИ

Фармойишда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган оғир атлетика спорт тури бўйича 2017 йил 28 ноябрь – 6 декабрь кунлари Анахайм шаҳрида (АҚШ) ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган қуйидаги Ўзбекистон спортчилари:

**Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли** 69 килограмм вазнда биринчи ўринни (олтин медаль) эгаллагани учун 12 000 АҚШ доллари;

**Собиров Фарҳодбек Анвар ўғли** 94 килограмм вазнда иккинчи ўринни (кумуш медаль) эгаллагани учун 6 000 АҚШ доллари;

**Ефремов Иван Владимирович** 105 килограмм вазнда иккинчи ўринни (кумуш медаль) эгаллагани учун 6 000 АҚШ доллари;

**Эргашев Адҳамжон Абдуллажон ўғли** 62 килограмм вазнда учинчи ўринни (бронза медаль) эгаллагани учун 3 000 АҚШ доллари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланди.

**ЎзА**



Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли



Собиров Фарҳодбек Анвар ўғли



Ефремов Иван Владимирович



Эргашев Адҳамжон Абдуллажон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

### Физика-математика фанлари бўйича

**Азамов Абдулла** – Фанлар академияси Математика институти бўлим мудири

**Бахадирханов Мухамед Кабир** – Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич** – Фанлар академияси физика-математика ва техника фанлари бўлими раҳбари-илмий котиби

**Зайнабидинов Сиражидин** – Андижон давлат университети профессори

**Лақаев Саидахмат Норжигитович** – Самарқанд давлат университети кафедра мудири

**Усманов Тимурбек** – Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти лаборатория мудири

**Эгамбердиев Шухрат Абдуманнапович** – Фанлар академияси Астрономия институти директори

### Кимё фанлари бўйича

**Жалилов Абдулахат Турапович** – "Тошкент кимё-технологиялар илмий-тадқиқот институти" давлат унитар корхонаси директори

**Ибрагимов Бахтияр Туляганович** – Фанлар академияси бош илмий котиби

**Намазов Шафаат Саттарович** – Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири

**Тураев Аббасхан Сабирханович** – Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори ўринбосари

### Биология фанлари бўйича

**Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич** – Инновацион ривожланиш вазири

**Сабиров Равшан Заирович** – Фанлар академияси Биоорганик кимё институти лаборатория мудири

**Тожибаев Комил Шаробитдинович** – Фанлар академияси Ботаника институти директори

### Техника фанлари бўйича

**Аллаев Кахраман Рахимович** – Тошкент давлат техника университети профессори

**Игамбердиев Хусан Закирович** – Тошкент давлат техника университети профессори

**Мирсаидов Мирзиёд** – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кафедра мудири

### Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович** – Тошкент давлат аграр университети ректори

### Тарих фанлари бўйича

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич** – Ўзбекистон Миллий университети профессори

**Юсупова Дилорам Юнусовна** – Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

### Иқтисодиёт фанлари бўйича

**Абдурахманов Каландар** – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали директори

**Аимбетов Нагмет Каллиевич** – Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

### Филология фанлари бўйича

**Каримов Наим Фатихович** – Қатағон қурбонлари хотираси музейи етакчи илмий ходими

**Мирзаев Тўра** – Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими

### Юридик фанлар бўйича

**Саидов Акмал Холматович** – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

### Педагогика фанлари бўйича

**Жураев Рисбай** – Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари

### Тиббиёт фанлари бўйича

**Аляви Анис Лютфуллаевич** – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари

**Арипова Тамарахон Уктамовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иммунология илмий маркази директори

**Иноятова Флора Ильясовна** – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳа раҳбари

**Курбанов Равшанбек Давлетович** – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

**Назиров Феруз Гафурович** – академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

### Санъатшунослик фанлари бўйича

**Хакимов Акбар Абдуллаевич** – Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлим мудири

2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг асосий фаолият йўналишлари доирасида 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқласин, ижросини назоратга олсин ва режалаштирилган барча тадбирларнинг тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

"Йўл хариталари"да Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзолари томонидан, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилсин:

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият;

илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш;

жойларда илмий мактабларни ривожлантириш;

ўз фаолиятига тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларининг илмий асосланган ечимларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

таълим жараёнида иштирок этиш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш;

халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро миқёсда Ўзбекистон илм-фани нуфузини юксалтириш;

илм-фан тараққиётини таъминлаш ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, замонавий илм-фан ютуқларини жойларда кенг тарғиб қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С.Йўлдошев Фанлар академиясининг тасдиқланган ҳақиқий аъзоларининг 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари" ижроси мониторингини юритсин ҳамда йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 29 декабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ВА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА СОБИҚ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНЛАРИГА ШАРҲ

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, жойларда илмий мактабларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларини ҳал қилишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, халқаро миқёсда мамлакат илм-фани нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига охирги сайловлар 1995 йилда ўтказилгани мазкур Фармоннинг тарихий аҳамиятини янада оширади. Ўтган йиллар мобайнида академикларнинг сони икки мартадан кўпроққа қисқарди ва ҳозирги кунга келиб академиянинг атиги 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижроси доирасида қисқа вақт ичида илмий-тадқиқот фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси ва молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, моддий-техника салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадли комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Бу кенг қамровли вазифаларни амалга оширишда мамлакат фундаментал фанининг етакчиси сифатида Фанлар академияси ҳақли равишда алоҳида ўрин тутади.

9 та илмий-тадқиқот муассасаси Фанлар академияси таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. "2017-2021 йилларда республикада илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилиниши Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади ҳамда иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштиришга катта туртки беради.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони билан 22 йиллик узоқ танаффусдан сўнг академикликка тасдиқлаш учун энг муносиб олимларни танлов асосида саралаб олиш ишларига якун ясалмоқда. Фармонга мувофиқ, академиянинг Ҳайъати ва фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзолари тавсиясига кўра, Фанлар академиясининг 32 нафар янги ҳақиқий аъзолари тасдиқланди.

Тасдиқланган академиклар қаторидан – республиканинг физика-математика, кимё, биология, техника, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология, ҳуқуқшунослик, педагогика, тиббиёт фанлари ҳамда санъатшунослик соҳаларида кўзга кўринган, замонавий илмий-тадқиқот фаолиятини белгилаб берадиган қуйидаги қатор муҳим мезонлар бўйича кўп босқичли саралашдан муваффақиятли ўтган олимлари ўрин олди:

илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, илм-фанни шахсий ютуқлари ва йирик илмий натижалари билан бойитган;

ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари бўлган ёки мавжуд илмий мактабни ривожлантиришда бевосита иштирок этган;

амалиётга жорий этилган ишланмаларга эга бўлган ёки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа ходимлари томонидан эришилган фан ютуқларини ишлаб чиқаришга ёки амалиётга жорий этишда бевосита қатнашган;

фундаментал, амалий илмий лойиҳалар ва инновацион ишланмаларга илмий раҳбарлик қилган;

халқаро илмий лойиҳаларга илмий раҳбар бўлган ёки уларни бажариш ва халқаро илмий ҳамкорликда иштирок этган.

Танловли саралаш асосида академиклар қаторини тўлдириш натижасида Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари таркиби ёшарди, бу академикларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятидан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, академикларни илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига фаол жалб этиш режалаштирилган.

Фармон билан, шунингдек, академикларнинг асосий фаолият йўналишлари доирасида 2018 йилга мўлжалланган "Йўл хариталари"ни тасдиқлаш топширилиб, улар томонидан илмий-инновацион соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, замонавий илм-фан ютуқларини оммалаштириш бўйича мақсадли тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

"Йўл хариталари"да республикамизнинг чекка ҳудудлари, олис туман ва қишлоқлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз Президенти, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга ҳам имзо чекди. Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари;

собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробари миқдорида ойлик гонорар тўланиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари, академиклар ва мухбир аъзоларга тўланадиган ойлик гонорарлар жисмоний шахслар даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади.

Мазкур фармонларнинг қабул қилиниши академик илм-фан нуфузини янада ошириш, унинг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни илм-фан соҳасига кенг жалб қилиш, Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида инновацион жараёнларни жадаллаштириш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг изчил равишда давом эттирилишидан далолат беради.

## МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИМИЗ РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 декабрь куни миллий кино санъати ва киноиндустриямизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Бош вазир, тегишли вазирлик ва идоралар, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ижодий ташкилотлар раҳбарлари, киноижодкорлар вакиллари иштирок этди.

Дунё миқёсида турли ғоя ва мафкуралар кураши, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кинонинг беқиёс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мамлакатимизни модернизация қилишнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қатори кино санъатини ҳам такомиллаштириш, соҳа учун янги имкониятлар яратишни талаб қилмоқда. Шу мақсадда Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда кино санъати ва киноиндустриясини изчил тараққий эттириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда киноижодкорларимиз бундай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, халқимиз, айниқса, ёшларимизни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган, бой тарихимиз, буюк аждодларимизнинг бетимсол жасорати, замондошларимизнинг фидокорона меҳнатини акс эттирадиган, уларнинг ёрқин образлар тасвирланган фильмлар кўриш ҳақидаги орзуларини амалга ошириш йўлида барча куч ва имкониятларини ишга солишлари лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз соҳа олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, кино санъатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёш режиссёр, актёр, оператор ва рассомларнинг дунёдаги етакчи киностудиялар, маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларида тажриба ва малака оширишини ташкил этиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш ва уни тизимли равишда йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Маълумки, вилоятларимизда маданият ва санъат коллежлари, пойтахтимизда эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Нукус ва Қўқон шаҳарларида унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Кино соҳаси учун сценарист ва режиссёрлар, оператор ва актёрлар тайёрланаётган бу таълим даргоҳларининг илмий ва ижодий савияси, ўқув дастурлари ва методикасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш лозим.

Мажлисда кино санъатимиз, киноиндустриямизнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун етук профессионал режиссёрлар, кинодраматурглар, актёрлар, рассомлар, операторлар тайёрлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим масала – ҳудудларда кинотеатрлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. 1996 йилга қадар мамлакатимизда мавжуд бўлган 342 та қишки ва ёзги кинотеатрларнинг 323 таси ўтган йиллар мобайнида хусусийлаштирилиб юборилган. Уларнинг асосий қисми савдо мажмуаси, тўйхона, бозорга айлантирилиб, фаолияти буткул ўзгартирилган ёки бузиб ташланган. Бугунги кунда мулкчилик шакли турлича бўлган 176 та кинотеатрдан 8 таси авария ҳолатида, 65 таси жиддий таъмирталаб, қолганларининг деярли ярми фаолият кўрсатмайди.

Мамлакатимиз кино санъатини талаб даражасида ривожлантириш учун бу муаммоларнинг ечимини албатта топишимиз зарур, деди Президентимиз.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, вилоят ва туманларда кинотеатрлар фаолиятини қатъий йўлга қўйиш бўйича тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Кинопрокат тизими ҳам қониқарсиз экани, бу яратилаётган фильмларни мунтазам намойиш этиб бориш, бошқача айтганда, аҳолига кино хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш имкониятини чеклаб қўяётгани танқид қилинди.

Бугунги кунда хусусий киностудиялар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Буни ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ санъатга меҳр қўйиш билан иш битмайди, яъни яхши фильм яратиб бўлмайди. Бинобарин, соҳа бўйича профессионал билимга эга бўлмай, ўқиб-ўрганмай, ҳақиқий устоз тарбиясини олмай, бу соҳада кутилган натижага эришиш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Давлат томонидан бериладиган ижодий грантлар учун ўтказиладиган танловларда хусусий студияларнинг иштироки ўзига хос соғлом ижодий рақобатни юзага келтиради, деди давлатимиз раҳбари. Рақобат бор жойда албатта ривожланиш, янгилик бўлади. Миллий киномизнинг тараққиёти учун бу ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида барча соҳалар қатори миллий киноиндустриямизни ҳам инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Биз миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида яратилган энг яхши романлар, спектакллар, мусиқа ва тасвирий санъат асарларимизни, бадиий фильмларимизни халқаро миқёсда намойиш этиш, дунё жамоатчилигига етказиш бўйича алоҳида тизим яратишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бундай асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, уларнинг кенг тарғиботини ташкил этиш, халқаро фестиваль, кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Йиғилишда соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Жумладан, кинематография соҳасини ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, хорижий киностудиялар ва киноижодкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликда фильмлар яратишни йўлга қўйиш ғоят муҳим экани қайд этилди.

Биз буюк халқимизни улуғламоқчи, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати ёрдамида амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз мумкин. Бунинг учун яна бир бор куч ва имкониятлар, ижодий салоҳиятни ишга солишимиз керак, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

6. **Абдуллаева Шахноза Алишеровна,** 1992 йил 30 июнда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

7. **Абдураимова Шахноза Шамсутдиновна,** 1991 йил 13 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

8. **Аглаева Мумина Зиядуллаевна,** 1949 йил 28 июлда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

9. **Азимова Зухра Тохтасиновна,** 1976 йил 25 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

10. **Алиев Умедджон Усмоналиевич,** 1988 йил 26 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

11. **Алимова Алтинай Мамасолиевна,** 1973 йил 3 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

12. **Алиханова Гулчехрахан Каимовна,** 1971 йил 18 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

13. **Аманбаев Элмурод Учкунович,** 1979 йил 24 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, 2005 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган Саидбек исмли ўғли билан Андижон вилоятида яшайди.

14. **Атаджанова Гульшат Матвапаевна,** 1978 йил 23 июлда Туркманистонда туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

15. **Батиров Эргешбай Атаханович,** 1975 йил 23 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

16. **Бобомуродова Гулноз Болтаевна,** 1967 йил 26 сентябрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

17. **Боева Гулбахор Жовлиевна,** 1960 йил 1 апрелда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

18. **Валиева Махмуда Мирзаевна,** 1955 йил 14 январда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

19. **Гайбердиева Айсулув Халвайевна,** 1974 йил 18 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

20. **Еникеев Дамир Фатихович,** 1991 йил 2 июнда Озарбайжон Республикасида туғилган, татар, Бухоро вилоятида яшайди.

21. **Жиянмуратов Санжар Анарбаевич,** 1990 йил 28 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

22. **Зарипов Алишер Ғанижонович,** 1974 йил 24 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

23. **Ибрагимов Фархат Камилжанович,** 1987 йил 20 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

24. **Иргашова Мафтуна Бегали қизи,** 1996 йил 8 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

25. **Исакова Махмуда Уринбаевна,** 1974 йил 9 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

26. **Исакова Мухайё Шополатовна,** 1976 йил 14 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

27. **Исоқов Мақсуд Узоқович,** 1971 йил 28 январда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

28. **Камбаров Халилилло Абдулазизович,** 1974 йил 5 мартда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

29. **Каримова Парохатхан Даврановна,** 1969 йил 27 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, уйғур, Андижон вилоятида яшайди.

30. **Койлиева Малохат Исраиловна,** 1969 йил 7 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

31. **Комилова Мохирахон Мамасалиевна,** 1962 йил 3 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

32. **Корабоева Одина Турсунбоевна,** 1975 йил 18 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

33. **Мажитов Алижон Абдукадирович,** 1989 йил 15 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

34. **Майдинов Хуснидин Тажидинович,** 1986 йил 5 январда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

35. **Матмусаева Надира Файзуллаевна,** 1975 йил 26 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

36. **Маъмуров Абдурашид Абдурахмонович,** 1996 йил 7 октябрда Сирдарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

37. **Мирзаев Рустам Равшанович,** 1988 йил 5 февралда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

38. **Мирзалиев Сухбатулла Рахматович,** 1960 йил 23 ноябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

39. **Назиров Васижан,** 1942 йил 27 июлда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

40. **Назиров Равшан Васижанович,** 1979 йил 21 февралда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

41. **Низомова Назира Аманилловна,** 1975 йил 13 ноябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

42. **Нишанов Исломжон Тажибаевич,** 1994 йил 5 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

43. **Норматова Мухайехан Маматалиевна,** 1969 йил 22 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

44. **Османова Мисрия Токтасиновна,** 1977 йил 18 декабрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

45. **Остонов Авлиёкул,** 1940 йил 5 майда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

46. **Остонов Ихтиёр Бафаевич,** 1971 йил 28 сентябрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

47. **Парманкулова Машхура Ғайратовна,** 1979 йил 24 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

48. **Ражабов Ражаббой Жангир ўғли,** 1957 йил 12 мартда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

49. **Раимбеков Азизжан Закиржан ули,** 1993 йил 27 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

50. **Рахимов Шухрат Шавкатович,** 1983 йил 29 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

51. **Режапова Оминахон Эшонкуловна,** 1959 йил 3 мартда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

52. **Садиков Бако Кадирович,** 1941 йил 13 июлда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

53. **Садикова Рухия Ровшанкулиевна,** 1987 йил 15 июлда Туркманистонда туғилган, туркман, Бухоро вилоятида яшайди.

54. **Сайдалиханов Дилмурат Артукходжаевич,** 1976 йил 19 февралда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

55. **Саиджонов Ойбек Наримонович,** 1968 йил 27 январда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

56. **Саломов Ғанижон Низомиддинович,** 1971 йил 30 январда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

57. **Сарибаева Охужон Хакимжоновна,** 1985 йил 3 февралда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди.

58. **Саттаров Хуршед Мурадуллоевич,** 1973 йил 7 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

59. **Собиров Шохрух Пазилдинович,** 1980 йил 30 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

60. **Тиллабоев Абжапар Абдиллаевич,** 1965 йил 18 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

61. **Тойчиева Мукаррам Тургунбаевна,** 1961 йил 19 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

62. **Токсонахунова Дилоромхон Саматахуновна,** 1974 йил 16 февралда Қирғизистон Республикасида туғилган, уйғур, Андижон вилоятида яшайди.

63. **Тухтамишева Шахринса Муталиповна,** 1964 йил 13 январда Андижон вилоятида туғилган, қирғиз, Андижон вилоятида яшайди.

64. **Умурзоқов Дилмурод Турсунович,** 1966 йил 25 октябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

65. **Уринбоева Зулфияхон Хамитжановна,** 1963 йил 7 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

66. **Усмонова Зивар Гайбуллаевна,** 1948 йил 15 майда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

67. **Фаттоева Дилрабожон Кенджабоевна,** 1973 йил 31 июлда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

68. **Хаитметов Элмурат Сидикматович,** 1972 йил 26 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

69. **Халиков Джурабек Розикович,** 1988 йил 27 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

70. **Хасанов Азамат Худойбергановия,** 1973 йил 13 июнда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

71. **Хасанов Хайдар Хатамжанович,** 1976 йил 27 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

72. **Хидралиев Ахмаджан Хасанович,** 1968 йил 12 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

73. **Хидралиева Гули Сайфуллаевна,** 1973 йил 3 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

74. **Ходжаев Барот Ниязович,** 1959 йил 18 майда Тожикистон Республикасида туғилган, тожик, Бухоро вилоятида яшайди.

75. **Ходжаева Нурхан,** 1948 йил 18 сентябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

76. **Ходжаков Ислам Керимович,** 1974 йил 15 январда Туркманистонда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

77. **Холикова Мохигул Каримовна,** 1991 йил 11 октябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди.

78. **Худайбергенова Гузал Абдухаликовна,** 1975 йил 25 декабрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

79. **Хусанбаев Исраилжон Исмаилджанович,** 1992 йил 6 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

80. **Хусенова Диловар Субҳановна,** 1971 йил 5 сентябрда Самарқанд вилоятида туғилган, тожик, Жиззах вилоятида яшайди.

81. **Чоршанова Минауар Карсибаевна,** 1970 йил 13 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, туркман, Тошкент вилоятида яшайди.

82. **Шахманов Бахрам Рўзикулович,** 1973 йил 3 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

83. **Шерматов Абдувахит Бахтиёрович,** 1989 йил 9 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

84. **Эгамбердиева Салима Рахимовна,** 1971 йил 28 февралда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

85. **Эшонкулова Матлуба Абдукуддизовна,** 1969 йил 26 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

86. **Юлдашев Саидкамол Арипжанович,** 1968 йил 28 августда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

87. **Юнисов Ихволидин Иброхимжонович,** 1985 йил 8 сентябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

88. **Юнисов Шарабидин Иброхимжонович,** 1992 йил 20 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

89. **Юсупов Алламберди,** 1954 йил 5 октябрда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

90. **Юсупов Атахан,** 1958 йил 12 июлда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

91. **Юсупов Рустамжон Каримович,** 1972 йил 5 июнда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

92. **Юсупова Ранахан Ибрагимжановна,** 1962 йил 16 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

93. **Ямитова Сурайё Рустамовна,** 1982 йил 14 августда Тожикистон Республикасида туғилган, тожик, Самарқанд вилоятида яшайди.

94. **Ярашев Баходир Рахимбаевич,** 1968 йил 12 ноябрда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди.

95. **Ярматов Сардорбек Собиржонович,** 1988 йил 12 январда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

**2.** Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 28 декабрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш имконини берди.

Натижада хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингга етди.

Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Кўчқоров)нинг давлат тиббиёт ташкилотлари функцияларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш юзасидан чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш:

ёрдамчи бўлинмалар (озиқ-овқат блоклари, кир ювиш хоналари ва бошқалар) фаолиятини таъминлаш;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқланадиган айрим тиббий хизматларни кўрсатиш юзасидан таклифлари маъқуллансин.

2. 2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича параметрлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ҳафталик муддатда 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати (кейинги ўринларда манзилли рўйхат деб аталади) ва унинг "йўл харитаси"ни мазкур қарор иловасига мувофиқ тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси билан биргаликда манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига улар белгиланган тартибда зарур ҳужжатларни тақдим этганда қурилишни амалга ошириш учун ер майдонлари ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда, истисно тариқасида, манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига давлат мулкидаги фойдаланилмасдан турган объектларни "ноль" харид қийматида сотсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва "AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг:

Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан бирининг фаолиятини ташкил этиш;

Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "AKFA MEDLINE" МЧЖ хусусий клиникаси негизида хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш марказини ташкил этиш;

Корея Республикасининг илғор клиникалари ва тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

"AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Набиев) ҳамда "AKFA MEDLINE" МЧЖ (Нигманов) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган таклифларни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини (Йўл харитасини) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

6. 2018 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида ишловчи шифокор-пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши белгилансин.

7. "Асака" акциядорлик-тижорат банки (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) билан биргаликда бир ой муддатда "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қуйидаги харажатлар нисбатини назарда тутадиган фойдаланиш тартибини тасдиқласин:

беш фоиз – юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини хорижий мамлакатларга малака ошириш учун юборишга;

тўқсон беш фоиз – хусусий тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда республиканинг ҳар бир ҳудуди учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида ресурслар ҳажмини назарда тутган ҳолда, "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг 14 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини шакллантириш манбаларини аниқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига янги ташкил этилаётган ва фаолиятини кенгайтираётган хусусий тиббиёт ташкилотларини, шу жумладан, манзилли рўйхатда назарда тутилган хусусий тиббиёт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиши, шунингдек, мутахассисларининг малакасини ошириш ва хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этишни ташкил этиши учун белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев):

а) икки ой муддатда:

хусусий тиббиёт ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижга юбориш, шунингдек, хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ҳайдаров) билан биргаликда давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини тадбиркорлик субъектларига бериш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Набиев) билан биргаликда етакчи хусусий тиббиёт ташкилотлари инфратузилмасини шартнома асосида тиббий касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талабалари, малакасини ошираётган амалиётчи шифокорлар учун ўқув база сифатида фойдаланиш тартибини тасдиқласин ҳамда 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб жорий этсин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш концепциясини;

ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини, тегишли инфратузилмага эга бўлган замонавий тиббиёт мажмуаларини барпо этишни, мижозларнинг мамлакатда бўлиш даврида уларга ташкилий-маслаҳат кўмагини кўрсатган ҳолда мамлакатга кириш ва чиқишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи тиббий туризмни ривожлантириш концепциясини;

хусусий тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимларини "Соғлиқни сақлаш" ахборот тизимлари комплексига ва кейинчалик Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ.Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 29 декабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаган ҳолда янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмларини кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестицияларни янада жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сонли қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизими хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни назарда тутувчи кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр ичида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари кенгайди, уларнинг сони 50 тадан 126 тагача ошди. Хусусий тиббиёт ташкилотлари стоматология ва косметология хизматларидан ташқари, 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва материаллари учун божхона тўловларидан озод қилинган.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янгидан ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни ривожлантиришни тезлаштириш имконини берди.

Натижада хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингдан ошди. Икки мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат тиббиёт муассасаларининг алоҳида функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига бериш имкониятларини кўриб чиқиш, соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий туризм ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, тиббий кадрлар малакасини республикада ва чет элда ошириш, хусусий соғлиқни сақлаш секторини ягона ахборот-коммуникация тизимига интеграциялаш, шунингдек, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Айнан шу масалаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорнинг муҳим аҳамиятга эгалиги шу билан тасдиқланадики, унда давлат тиббиёт ташкилотларининг ёрдамчи бўлинмаларини (озиқ-овқат блоклари, кир ювиш хоналари, тиббий чиқиндиларни йўқ қилиш ва ҳ.к.) хусусий сектор вакилларига бериш орқали давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, хусусий тиббиёт ташкилотларига шартнома асосида давлат тиббиёт ташкилотларининг баъзи бир тиббий хизмат турлари (лаборатория, гемодиализ, стерилизация ва бошқалар) ҳам ўтказилади. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Қарор билан 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг тиббий ихтисослик турлари, молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари кўрсатилган манзилли рўйхати тасдиқланган.

Қўйилган масалаларнинг муҳимлиги боис, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси билан биргаликда манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорлари зарур ҳужжатларни тақдим этганда қурилишни амалга ошириш учун белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиш, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда, истисно тариқасида, давлат мулкидаги фойдаланилмасдан турган объектларни "ноль" харид қийматида бериш бўйича вазифаларни ҳал этиш топширилган.

Қарорнинг аҳамиятлилиги яна шу билан ифодаланадики, унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва "AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан бирининг фаолиятини, Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "AKFA MEDLINE" МЧЖ хусусий клиникаси негизида хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда Корея Республикасининг илғор клиникалари ва тиббиёт марказлари билан, уларнинг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатишдаги тажрибасини ўрганиш ва маҳаллий тиббиётга жорий этиш ва "AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланмоқда.

Билдирилган таклифларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уларни амалга ошириш юзасидан бир ой муддатда "йўл харитаси"ни тайёрлаш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш юзасидан вазифа топширилган.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ ва олис туманлардаги шифокорларнинг таъминланганлигини яхшилаш мақсадида қарорда тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган шифокор-пенсионерларга пенсияни тўлиқ миқдорда тўлаш назарда тутилган.

Қарорда хусусий тиббиёт ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган. Хусусан, "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошида ташкил этилган нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига ҳар бир ҳудуд учун ҳажми 1 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган навбатдаги 14 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги транш кредит маблағларини ажратиш назарда тутилган.

Бунда нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини малака ошириш учун хорижий мамлакатларга юборишга ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилган.

Қарорда тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилган. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига икки ой муддатда "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошида ташкил этилган нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хусусий тиббиёт ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун хорижга юбориш тартибини тасдиқлаш юзасидан топшириқ берилган.

Шунингдек, қарорда етакчи хусусий тиббиёт ташкилотларининг кадрлар ва моддий-техник салоҳиятидан оқилона фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда шартнома асосида хусусий тиббиёт муассасаларидан тиббий касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талабалари, малакасини ошираётган амалиётчи шифокорлар учун ўқув база сифатида фойдаланишни назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва уни 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш бўйича вазифа юклатилган.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш концепциясини ҳамда тиббий туризмни янада ривожлантириш, хорижий фуқароларнинг тиббий хизмат олиш учун республикага кириши учун қулай шароитларни яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш унинг республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишдаги салмоғини сўзсиз оширади. Бу эса, ўз навбатида, ишончли статистика маълумотларини шакллантириш учун ягона ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Соғлиқни сақлашнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги изчилликни таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хусусий тиббиёт ташкилотларининг ахборот тизимларини "Соғлиқни сақлаш" комплекс ахборот тизимига улаш, келгусида эса уларни Ягона интерфаол давлат хизматлари порталига интеграциялаш бўйича таклифларни тайёрлаш вазифаси топширилди.

Умуман, мазкур қарорнинг амалга оширилиши соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини жадал ривожлантириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг юқори малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини янада оширади.

**Ижтимоий сўров**

# ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ 2018 ЙИЛНИ КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА КУТИБ ОЛДИ

***"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, анъанага кўра, поёнига етаётган йил якунида юртимизнинг барча вилоят ва ҳудудларида сўров ўтказди. Унда шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси, турли этник ва ижтимоий гуруҳлар, конфессиялар, касб вакиллари иштирок этди.***

Сўров натижаларига кўра, фуқароларимизнинг аксарияти (90,5 фоиз) учун 2017 йил муваффақиятли, шахсий ва оилавий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларга бой бўлган. Юртдошларимиз Янги йилни яхши, кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Буни фуқароларимиз турмуш даражаси юксалгани, эртанги кунга ишончи ортгани ва мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик билан боғламоқда.

Сўровдан аён бўлишича, фуқароларимизнинг 83 фоизи ўзини бахтли, деб ҳисоблайди. Улардаги бахтиёрлик мамлакатимиздаги тинчлик, оиладаги хотиржамлик ва меҳр-муҳаббат, давлатимиз ва жамиятимизда рўй бераётган ҳамда Ватан, оила, фарзанд ва набиралар келажагига ишонч уйғотаётган янгиланишлар жараёни билан боғлиқдир.

Сўров натижалари юртдошларимизнинг аксарияти ўз ҳаётидан рози эканини кўрсатди. Иштирокчиларнинг 80 фоиздан зиёди 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили янада муваффақиятли бўлиши, қўйилган мақсадларга албатта эришилишига қатъий ишонч билдирган.

Фуқароларнинг фикрича, 2017 йилда мамлакатимиз ҳаётида рўй берган туб ижобий ўзгаришлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган муваффақиятли иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқдир. Бу замонавий таҳдид ва хатарларга тез жавоб беришга қодир мустаҳкам давлат бошқаруви тизимини яратиш, ҳар бир фуқаро ва бутун жамият манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Сўров иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва барча ҳудудларда фаолият юритаётган Халқ қабулхоналари орқали фуқаролар билан фаол ва очиқ мулоқот тизими жорий этилгани якунига етаётган йилнинг энг муҳим ютуғи, деб ҳисоблайди. Бу давлат органларининг аҳоли билан муносабатини тубдан ўзгартириб юборди ва ҳар бир фуқаронинг муаммосини амалий ҳал қилишга қодир таъсирчан механизмга айланди.

Респондентларнинг фикрича, мамлакатимиз 2017 йилда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига чиқди. Давлат қурилишига янгича ёндашув, мамлакатни модернизация қилиш борасида кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар дастури, Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилиши Ўзбекистон аҳолисининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Аблай КАМАЛОВ тайёрлади**





# ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

***Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида "Президент арчаси" тантаналари бўлиб ўтмоқда***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тадбирига пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини асраш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, турли муваффақиятларга эришиб тенгдошларига ўрнак бўлаётган болалар таклиф этилди.

Юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом, юксак маънавиятли, шижоатли ва ташаббускор, замонавий билим, ўз мустақил фикрига эга ёш авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада амалга оширилаётган чуқур ва изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётир.

Истеъдодли ўғил-қизлар ҳар соҳада ўз билим ва маҳоратини намойиш этиб, энг ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашиб, ўзини муносиб намоён этаётгани бунинг исботидир.

Бу йил байрам тадбирларига барча вилоятлардан турли танловларда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар таклиф этилган. Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 24-мусиқа ва тасвирий санъатга ихтисослаштирилган мактабнинг 5-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Шерниёзов улардан бири. У республика ва халқаро фестиваль, кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истеъдодли ёшлар учун Туркманистоннинг "Аваза" сайёҳлик марказида ташкил этилган оромгоҳда ҳордиқ чиқариши билан бирга, қўшни мамлакат ёшларига Хоразм қўшиқларини ўрганишида яқиндан кўмак берган ёшлардан. Пойтахтимизда ўтказилаётган ушбу байрам тантаналарида қатнашаётганидан жуда хурсанд.

– Вилоятимизда ҳам бу каби байрам тадбирлари ташкил этилади, – дейди Шоҳруҳ. – Аммо пойтахтимиздаги асосий тантаналарга таклиф этишгани мен учун кутилмаган совға бўлди. Бундан сўнг ҳам аъло баҳоларга ўқишга, ўз устимда янаям кўпроқ ишлаб, муваффақиятларга эришишга сўз бераман.

Юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар, имконияти чекланган болалар манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Айни байрам кунларида жойларда ташкил этилаётган эзгу амаллар, хайрли чора-тадбирлар уларнинг кайфиятини кўтариб, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Яқинда мактабимиз ва уйимизда ҳам шундай байрам ўтказилган эди, – дейди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 128-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Бону Раҳимова. – Лекин бу байрам менга кўпроқ ёқди. Президентимизнинг совғасини олдим. Унда аъло баҳоларга ўқишимда зарур бўлган ўқув қуроллари бор экан.

..."Туркистон" санъат саройининг байрамона безатилган фойесида чироқли безакларга бурканган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз болажонларни рақсга чорлайди. Турли эртак қаҳрамонлари, уй ва ўрмон ҳайвонлари либосидаги қаҳрамонлар турли топишмоқ, тез айтишлар, шеърлар айтаётган ўғил-қизларни совға олишга ундайди. Уларнинг бу томошаси эстрада хонандалари ва спорт усталарининг чиқишларига уланади.

– Ота-она учун фарзанди юзидаги қувонч, улар эришаётган муваффақиятларни, камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ, – дейди Олмазор туманидаги Шифокорлар маҳалласида яшовчи Умида Султонова. – Биз давлатимиз, халқимиз меҳр-эътиборидан баҳраманд бўлаётган бахтли оналармиз.

Бир-биридан қизиқарли, мўъжизаларга бой саҳна кўринишлари, кичкинтойлар иштирокидаги турли ўйинлар, савол-жавоблар топқир, зийрак, билимдон болажонларнинг билимларини синовдан ўтказиш билан бирга, уларни ҳайратлантирмоқда.

Кичкинтойлар учун байрам шодиёналари "Томоша" болалар мусиқий театр-студияси томонидан тайёрланган "Мўъжизалар бор экан" театрлаштирилган мусиқий дастури билан давом этди. Мазкур дастур ўғил-қизларнинг дунёқарашини кенгайтириш, салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Байрам тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

## ПАЙШАНБА, 4

### Ўзбекистон

06.00 Кун хабарлари.
06.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 "Ахборот".
08.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
09.00 Кун хабарлари.
09.05 "Дугонажонлар". Т/с.
09.45 Анонс.
10.00 Кун хабарлари.
10.05 "Ҳидоят сари".
10.45 "Кунларнинг бирида..."
11.00 Кун хабарлари.
11.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Кун хабарлари.
13.05 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.20 "Мулоқот вақти".
15.00 Кун хабарлари.
15.05 Миллий сериал. "Сержантлар".
15.35 "Парламент ҳаёти".
15.55 Анонс.
16.00 Кун хабарлари.
16.05 "Ҳарир рўмолли хоним". Т/с.
16.50 "Муқаддас қадамжолар".
17.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.30 "Агроолам".
17.50 "Қорачиқ".
18.10 "Имконият".
18.30 "Муносабат". Ток-шоу. (Тўғридан-тўғри эфир).
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Дугонажонлар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.30 "Менинг боғим".
22.10 – 23.20 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.20 "Муқаддас қадамжолар".
23.35 Анонс.
23.45 "Пинҳона дил изҳори". Б/ф.
01.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси".
01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.55 "Нобелнинг сўнгги васияти". Б/ф.
05.30 "Менинг боғим".
05.50 Анонс.

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Каминанинг оиласи".
07.00 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Бир қадам". В/ф.
09.00 "Дайжест".
09.10 Миллий сериал. "Ёш оила".
10.00 "Давр".
10.10 "Этикдўз". Б/ф.
11.40 "Юрт келажаги".
12.00 "Давр".
12.10 "Элиза". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Автопатруль".
13.30 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Қадимги шўхликлар". Б/ф.
17.30 "Қизлар мактаби".
17.50 "Дайжест".
18.00 "Давр".
18.15 "Гумбаз остида". Т/с.
19.00 "Давр-репортаж".
19.10 "Элиза". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "What's up" ток-шоуси.
21.00 Миллий сериал. "Ёш оила".
22.00 "Давр".
22.30 "Сабрина". Б/ф.
00.30 "Автопатруль".
00.50 "Элиза". Т/с.
01.30 "Мўъжизавий дунё".
02.40 "What's up" ток-шоуси.
03.20 Миллий сериал. "Ёш оила".
04.00 "Давр".
04.30 "Қизлар мактаби".
05.00 – 06.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Соҳибжамол ва махлуқ". Т/с.
11.00 "Очиқ мулоқот".
12.00 "Пойтахт-спорт".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Poytaxt-Hi-tech".
17.30 "Сифат назорати".
18.00 "Пойтахт-авто" (рус.).
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Тошкентнома".
19.05 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
20.30 "Poytaxt-авто".
20.45 "Poytaxt-интервью".
21.05 "Соҳибжамол ва махлуқ". Т/с.
21.45 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
22.00 "Эверест". Х/ф.
00.05 "Мобиль камера".
00.20 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
00.50 "Poytaxt-интервью".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Мен сизга айтсам".
02.05 "Кўнгил ҳайратлари".
02.35 "Poytaxt-reportaj".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт сабоқлари".
06.35 "Қувноқ стартлар".
07.00 "Sport-online".
07.35 Баскетбол.
09.05 "Жозиба".
09.30 "Старт".
09.55 "Халқ ўйинлари".
10.10 "Соғлом турмуш сари".
10.35 "Болалар спорти".
11.00 "Ёшлар спорти".
11.25 "Star CUP".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.35 "Автограф судьбы".
13.05 "Мўъжизалар кемаси".
13.35 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
14.40 "Машҳурлар".
15.05 "Халқ ўйинлари".
15.20 "Batlle time".
15.50 "Техноспорт".
16.00 Теннис. ATP – WTA турнири.
17.30 "Спорт фидойилари".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бизнинг спорт".
18.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
19.45 "Topspin".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 "Шедевр".
21.00 Дзюдо. Ўзбекистон Кубоги.
22.15 Баскетбол.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 "Topspin".
00.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
01.55 "Машҳурлар".
02.20 Баскетбол.
03.55 "Спорт эрудит".
04.30 – 06.00 Теннис ATP – WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
06.40 Кексалар даврасида.
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.40 "Маҳалламиз маликаси".
08.10 "Меҳригиё". Ток-шоу.
09.00 Миллий сериал. "Сабр".
09.40 "Маҳалламиз чавандозлари".
10.00 "Бир осмон остида".
10.30 "Марҳабо, меҳмонлар!"
11.00 "Қадр топган қадриятлар".
11.30 "Аждодлар хазинаси".
12.00 Кексалар даврасида.
12.30 "Аслидек асрайлик".
13.00 "Байрам ҳазиллари".
13.30 "Илҳом мавжлари".
14.00 "Автотелемактаб".
14.30 "Томорқам – хазинам".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
15.30 "Халқ билан юзма-юз".
16.10 "Жавондаги жавоҳир".
16.30 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
17.30 "Маҳалла академияси".
18.10 "Step by step".
18.30 "Фермер".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида.
20.00 "Муваффақиятим сирлари".
20.30 "Одоб дурдоналари".
21.00 "Жамият ва ҳуқуқ".
21.30 "Под одним небом".
22.00 Миллий сериал. "Сабр".
22.40 "Ноёб институт".
23.00 "Илм қудрати".
23.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
00.40 Кексалар даврасида.
01.00 "Маҳалла менинг тақдиримда".
01.30 "Биламиз-ку аммо".
02.00 "Маҳалладошлар".
02.30 "Осуда ҳаёт".
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
03.30 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
04.00 "Машварат".
04.30 "Таҳлил ва талқин".
05.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
05.30 – 06.00 Кексалар даврасида.

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Болажон устахонаси".
07.30 "Бола бошидан".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Катта танаффус".
08.50 "Ланди-ланди".
09.00 "Мультипанорама".
10.10 "Қувноқ стартлар".
10.30 "Мультипанорама".
12.00 "Соғлом болажон".
12.30 "Болалар учун фильм".
14.00 "Сеҳрли қўллар".
14.10 "Мультипанорама".
15.10 "Табиатшунос болажон".
15.30 "Мультипанорама".
16.50 "Миттивойлар мусобақаси".
17.10 "Эртаклар оламида".
18.40 "Ширин кулча".
19.00 "Мультипанорама".
20.10 "Табиатга саёҳат".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Рангин кўзгу". Б/ф.
07.20 Миллий кино. "Сабр".
08.40 Жаҳон киноси. "Табиб". Б/ф. 2-қисм.
09.50 Мўъжаз фильм. "Адолат".
10.10 "Келин". Телесериал.
11.30 "Сенга ошиқман". Т/с.
13.00 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.00 Қардошлар киноси. "Қайнона".
15.20 Болалар экрани. "Рикки-Тикки-Тави".
16.35 Мировое кино. "Судья".
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.50 Жаҳон киноси. "Антиқа махлуқлар". 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Поющие под дождём". Х/ф.
01.50 "Антиқа пойга". Б/ф.
03.35 – 06.00 "Амистад". Б/ф.

## ЖУМА, 5

### Ўзбекистон

06.00 Кун хабарлари.
06.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 "Ахборот".
08.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
09.00 Кун хабарлари.
09.05 "Дугонажонлар". Т/с.
09.45 "Ҳаёт тилсими".
10.00 Кун хабарлари.
10.05 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 Кун хабарлари.
11.05 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Кун хабарлари.
13.05 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.20 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
14.50 Анонс.
15.00 Кун хабарлари.
15.05 Миллий сериал. "Сержантлар".
15.35 "Қорачиқ".
15.55 Анонс.
16.00 Кун хабарлари.
16.05 "Ҳарир рўмолли хоним". Т/с.
16.50 Анонс.
17.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.30 "Бугуннинг мавзуси".
17.50 "Гап". Б/ф.
18.20 "Кўрганларимиз ҳақида".
18.50 "Ҳидоят сари".
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Дугонажонлар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.30 "Кўнгил ободлиги".
22.10 – 23.15 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.15 "Бугуннинг мавзуси".
23.35 "Муҳаббат қиссаси". Б/ф.
01.00 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
02.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.55 "Бруклин ғамгузори". Б/ф.
05.25 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
05.55 Анонс.

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал: "Каминанинг оиласи".
07.00 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Автопатруль".
08.40 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 Миллий сериал. "Ёш оила".
10.00 "Давр".
10.10 "What's up" ток-шоуси.
11.00 "Очиқ дарс".
12.00 "Давр".
12.10 "Элиза". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
15.00 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Тўғри сўзнинг тўқмоғи". Б/ф.
17.30 "General English".
18.00 "Давр".
18.15 "Гумбаз остида". Т/с.
19.00 "Давр - репортаж".
19.10 "Элиза". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Ёнма - ён".
21.00 Миллий сериал. "Ёш оила".
22.00 "Давр".
22.30 "Улгурганга толе ёр". Б/ф.
00.30 "Шарқ гавҳари".
00.50 "Элиза". Т/с.
01.30 "Очиқ дарс".
02.20 "Мўъжизавий дунё".
03.20 Миллий сериал. "Ёш оила".
04.00 "Давр".
04.30 "Ёнма - ён".
05.00 – 06.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Poytaxt-reportaj".
10.20 "Соҳибжамол ва махлуқ". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
11.45 "Мобиль камера".
12.00 "Poytaxt-интервью".
12.15 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
13.00 "Poytaxt-авто".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Телетаҳлил".
17.45 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
18.00 "Турфа тақдирлар".
18.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Тошкентнома".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Пойтахт йўлларида".
20.30 "Пойтахт-авто" (рус.).
20.45 "Poytaxt-reportaj".
21.05 "Соҳибжамол ва махлуқ". Т/с.
21.45 "Poytaxt-интервью".
22.00 "Снежный человек". Х/ф.
23.30 "Турфа тақдирлар".
00.05 "Пойтахт йўлларида".
00.35 "Poytaxt-reportaj".
00.50 "Мобильная камера".
01.05 "Тошкентнома".
01.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
01.50 "Телетаҳлил".
02.20 "Кўнгил ҳайратлари".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Соғломжон – полвонжон".
06.35 "Қувноқ стартлар".
07.00 "Sport-online".
07.35 Баскетбол.
09.10 "Бизнинг спорт".
09.35 "Старт".
10.00 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
11.00 "Спорт сабоқлари".
11.25 "Star CUP".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.35 "Автограф судьбы".
13.05 "Мўъжизалар кемаси".
13.35 Каратэ. Марказий Осиё Кубоги.
14.40 "Машҳурлар".
15.00 "Халқ ўйинлари".
15.15 "Topspin".
15.45 "Техноспорт".
16.00 Теннис. ATP – WTA турнири.
17.35 "Ифтихоримсан, спорт!"
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Шахмат дурдоналари".
18.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
19.45 "StarCUP".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 "Шедевр".
21.00 Профессионал бокс.
21.55 Футбол. Италия чемпионати. "Кьево" – "Удинезе". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Star CUP".
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Фиорентина" – "Интер". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.45 Баскетбол.
04.15 "Техноспорт".
04.30 – 06.00 Теннис. ATP – WTA турнири.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
06.40 Кексалар даврасида.
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
08.00 "Бола бошидан".
09.00 Миллий сериал. "Сабр".
09.30 "Фермер".
10.00 Кексалар даврасида.
10.30 "Жамият ва ҳуқуқ".
11.00 "Саёқ юрсанг, таёқ ейсан". Теленовелла.
11.30 "Бизнинг студия".
12.00 "Янги уйда, янги йил".
12.50 "Step by step".
13.20 "Маҳалла академияси".
14.00 "Одоб дурдоналари".
14.30 "Аслидек асрайлик".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
15.40 "Марҳабо, меҳмонлар!"
16.10 "Меҳригиё". Ток-шоу.
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
17.40 "Под одним небом".
18.30 "Автотелемактаб".
19.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
19.30 Кексалар даврасида.
20.00 "Пиёда". Халқ манфаатлари йўлида.
20.30 "Томорқам хазинам".
21.00 "Машварат".
21.30 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи почтасидан".
22.00 Миллий сериал. "Сабр".
23.10 "Муваффақиятим сирлари".
23.30 "Илҳом мавжлари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
00.40 "Жавондаги жавоҳир".
01.00 "Маҳалламиз маликаси".
02.00 Кексалар даврасида.
02.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
03.40 "Ноёб институт".
04.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
05.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
05.30 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Болажон устахонаси".
07.30 "Бола бошидан".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Катта танаффус".
08.50 "Ланди-ланди".
09.00 "Мультипанорама".
10.10 "Сеҳрли қўллар".
10.30 "Мультипанорама".
12.10 "Қувноқ стартлар".
12.30 "Болалар учун фильм".
13.50 "Story time".
14.10 "Мультипанорама".
15.10 "Рассом болажон".
15.20 "Саёҳатчи болажон".
15.30 "Мультипанорама".
16.40 "Табиатга саёҳат".
17.00 "Эртаклар оламида".
18.30 "Ширин кулча".
19.00 "Мультипанорама".
20.10 "До-ми-соль".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Суғур куни". Б/ф.
07.45 Миллий кино. "Виждон".
09.10 Саргузаштлар экрани. "Қаллиқ ўғирлаш".
10.10 "Келин". Т/с.
11.30 "Сенга ошиқман". Т/с.
13.00 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.00 Қадрдон кино. "Ҳаёт учун хавфли".
15.30 Болалар экрани. "Фил йўқолди".
16.45 Мировое кино. "Телохранитель".
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.50 Жаҳон киноси. "Ҳисобчи". 1-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Новогодная засада". Х/ф.
01.35 "Ғарб томон". Б/ф.
03.10 – 06.00 "Умид ороли". Б/ф.

*(Давоми келгуси сонда)*

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **2 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 4 январда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 135
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 22.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345